



МУЧАЛ ЙИЛ ҲИСОБИ ҲАҚИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

ҚОДИРОВА ЛУТФИЯ

Катта ўқитувчи, ГулДУ

МУРОДОВА МАЛИКА

Талаба, ГулДУ

Аннотация. Мазкур мақолада Марказий ва Шарқий Осиёда кенг тарқалган ва бугунга келиб Ер юзининг барча минтақаларида катта қизиқиш уйғотаётган ўн икки йиллик ҳайвонли тақвим – мучал йил ҳисоби хусусида сўз боради. Унда турли манбалар ва олимларнинг илмий фаразлари асосида мучал йил ҳисобининг вужудга келган вақти ва жойи, унинг яратувчилари ҳақидаги фикр-мулоҳазалар таҳлил қилинган.

Таянч сўз ва иборалар: мучал, ўн икки ҳайвонли йил ҳисоби, Бугут ёдномаси, Ўрхун-Энасой битиклари, Беруний, Маҳмуд Қошғарий, Улугбек, 60 йиллик цикл, Муштарий, Сатурн.

Аннотация. В данной статье речь идет о системе летоисчисления «мучал» – двенадцатилетнем животном цикле, распространенном среди народов Центральной и Восточной Азии и на сегодняшний день вызывающем большой интерес во всех частях Земного шара. На основе различных источников и научных гипотез ученых, в статье также анализируются соображения о времени и места возникновения создателей двенадцатилетнего животного цикла.

Опорные слова и выражения: «мучал», двенадцатилетний животный цикл летоисчисления, Бугутская стела, Орхон-енисейские надписи, Бируни, Махмуд Кашгари, Улугбек, 60 летний цикл, Юпитер, Сатурн.

Abstract. This article deals with the system of the chronology of the torment – a twelve-year animal cycle – common among the peoples of Central and East Asia and its great popularity in all parts of the globe. On the basis of various sources and scientific hypotheses of scientists, considerations on the time and place of origin, the creators of twelve-year animal cycle are analyzed in it.

Keywords and expressions: “muchal”, twelve-year animal cycle of chronology, Bugut stele, Orkxono-Yenisei inscriptions, Beruni, Mahmud Kashgari, Ulugbek, 60 year cycle, Jupiter, Saturn.

Ҳар қандай тақвим ўзи мансуб цивилизациянинг шахсий-маишийдан то глобал-космик даражагача бўлган элементларини қамраб олган ва уларни таърифлаб берувчи структуравий-генетик коди саналади. Бир вақтлар Евроосиёнинг улкан ҳудини қамраб олган Турк цивилизацияси ҳам ўз дунёқарашига, давлат ташкилотига, умумдавлат тили, алифбоси қаторида ўз тақвимига эга бўлиб, ушбу тақвим дунёда кенг тарқалган мучал йил ҳисобига асосланган.

Қадимги чорвадор халқлар 11–12 йилда такрорланувчи кучли қурғокчилик оқибатида чорва ҳайвонларининг кўплаб нобуд бўлиши, чўлда баҳордаёқ ўтларнинг қуриб қолиши, чигиртка ва чумолиларнинг даврий кўпайишлари, булардан ташқари, 33–36 йилда такрорланиб келадиган катта офатларга эътибор

қаратганлар¹. Шу кузатишлар асосида 12 ҳайвон номи билан аталувчи ўн икки йиллик тақвим яратилган бўлиб, у Япониядан то Волгабўйига қадар, Кавказдан то Ҳиндихитойга қадар кенг тарқалган. Бу йил ҳисоби тизими миллодимиз бошларида вужудга келиб, XX асрга қадар қўлланиб келинган. Кўплаб халқларда бошқа йил ҳисоби тизимлари ҳам мавжуд бўлиб, улар ҳайвон циклини адабиётлардан, расмий ёзишмалардан ва расмий тақвимдан сиқиб чиқарганлигига қарамадан, у халқ тақвими ва астрологияда асос бўлиб қолаверган.

Ўн икки йиллик ҳайвонли цикл учун умумий ном кўп халқларда учрамайди, ўзбек, қир-

¹ Владимирский Б.М., Кисловский Л.Д. Археoaстрономия и история культуры. – М.: Знание, 1989. – С. 38.

ғиз ва уйғурларда тарқалган “мучал”, қозоқча “мүшел”, туркманча “муче” номини келтириш мумкин. Кўп ҳолларда ўн икки йиллик цикл шунчаки “давр”, “йил” деб аталади.

Мучал тақвимининг вужудга келган вақти, жойи ва унинг яратувчилари хусусида олимлар ҳануз бир қарорга келишмаган. Тақвимнинг яратувчилари сифатида турли тадқиқотчилар томонидан мисрликлар, бобилликлар, ҳиндлар ҳам келтирилган бўлиб, асосий даъвогарлар сифатида туркий халқлар ва хитойликлар кўрсатилмоқда.

Хитойшунос олим Э. Шаванн ўзининг “Le Cycle turc des Douze Animaux” номли тадқиқотида кўпгина халқлар томонидан кенг қўлланиладиган ўн икки ҳайвонли тақвим қадим туркийларга оид йил ҳисоби бўлган, уни хитойлар турклардан ўзлаштирган, деган илмий хулосага келади. Олим тақвимни тадқиқ қилиш жараёнида унинг яратувчилари – туркийларнинг ибтидоий тафаккури билан боғлиқ кўплаб унсурларга дуч келади ва ўн икки ҳайвонли тақвим Хитой шимолидаги турк қабилалари орасида мил. авв. V асрда пайдо бўлган ва мил. авв. II–I асрларда Хитойга ёйилган, деган хулосага келади¹.

Мучал тақвимининг турклар томонидан яратилганлигидан далолат берувчи манбалар орасида турк битигтошлари алоҳида ўрин тутади. Қадимги туркий битигтошларни тадқиқ этган олим С.Г.Кляшторний ҳам француз хитойшуносининг фикрини қўллаб-қувватлайди. У ўзининг “История Центральной Азии и памятники рунического письма” китобида туркийларнинг вақт бирликлари ҳақида алоҳида тўхталиб ўтган: “Қадимги турк-рун битигларида ўн икки йиллик даврий тақвим нафақат тилга олинган, балки фаол қўлланилган, воқеа-ҳодисаларнинг юз берган оyi, ҳатто баъзан кунигача тўлиқ ёзилган. VI асрда ўн икки йиллик ҳайвонли цикл Турк ҳоконлигининг расмий давлат

тақвими эди. Ягона тақвимий ҳисоб-китоб – шамсий йил 12 қамарий ойга бўлинарди”².

Бу фикрни исботлаш учун қадимги турк битигтошларига мурожаат қилайлик. Турк ҳоконлигининг илк ҳукмдорларидан бири бўлмиш Татпар (хитой манбаларида Тобо) ҳокон даврига мансуб “Буғут ёдномаси” энг қадимги битигтошлардан бири саналади³. Унда суғд ва брахми ёзувида битилган ёзувлар мавжуд бўлиб, суғдча ёзувда қуйидаги сатрларни ўқиш мумкин: “Шунда худосифат Муқан Татпар ҳокон ҳам маслаҳатларга кулоқ тутди ва куён йилида тахтга ўтирди”⁴. Хитой манбаларида келтирилган маълумотларга асосан, Татпар ҳокон 553–572 йилларда ҳукмронлик қилган акаси Муқан ҳоконнинг ўлиmidан сўнг 10 йилга яқин ҳукмронлик қилган. Ушбу маълумотлар асосида Татпар ҳокон 581 йилда вафот этган ва битигтош ҳам шу даврларда яратилган, деб хулоса чиқариш мумкин. Буғут ёдномаси турклар суғд ёзуvidан расмий ёзув сифатида фойдаланганлиги ҳамда улар орасида буддавийликнинг тарқалганлигини кўрсатади. Бу икки ҳолат ўн икки йиллик ҳайвонли тақвим Хитойга Марказий Осиёдан буддавийлик билан бирга кириб борган, деган хулоса чиқариш имконини беради.

Ўрхун-Енисой қабр тошларидаги битиглар ҳам туркларда ўн икки йиллик ҳайвонли цикл кенг тарқалганлигини иботлайди. Жумладан Култигин ёдномаси шундай тугалланади:

“Култигин қўй йилида

Ўн еттинчи куни учди.

Тўкқузунчи ой йигирма еттига ерга кўмдимиз.

¹ Chavannes E. Le Cycle Turc des Douze Animaux. // *Toung Pao. Second Series*, Vol. 7, No. 1 (1906). – P. 51–122.

² Кляшторний С.Г. История Центральной Азии и памятники рунического письма. – М., 1969

³ Кляшторний С.Г., Лившиц В.А. Согдийская надпись из Бугута // *Страны и народы Востока*. Т. X. – М., 1971. – С. 121–146.

⁴ Осава, Т. Историческое значение сосуществования языков, культур и культовых верований в ранний период Тюркского Каганата от земли Отюкен до регионов Тянь-Шаня // *Западный Тюркский Каганат*. Атлас. – Астана: Service Press, 2013. – С. 84–88.



Барқини нақшларини, ёзувли тошини
Маймун йили, еттинчи ой, йигирма ет-
тинчи кунига

Алкадимиз.

Култигин ўлганда

Қирқ етти ёшда эди.”¹

Юқоридаги санани хитой йилномалари билан қиёслаб ҳисобланганда, милодий 731 йилнинг 27 феввали келиб чиқади.

Билга ҳоқон ёдномасининг хотимаси эса шундай: “Отам ҳоқон ит йили ўнинчи ойнинг йигирма олтисида вафот этди. Тўнғиз йили бешинчи ойнинг йигирма еттисида дафн маросимини қилдирдим”. Ушбу сана 734 йилнинг 26 ноябрига мувофиқ тушади.

Тан сулоласининг йилномаларидаги ҳайволи цикл ҳақидаги илк маълумотлар ҳам шу даврга оид. “Тан-шу”да хагас (қирғиз) таквими ҳақида шундай ёзилади: “Йилнинг биринчи ойини маоши ой деб аташади. Уч ой чорак йилни ташкил этади. Йилларни 12 ҳайвон ёрдамида белгилайдилар, масалан, йил инъ белгиси остида бўлганида, улар уни йўлбарс йили деб атайдилар”².

Кейинги даврларда деярли барча туркий тилли халқлар ўн икки йиллик ҳайвонли циклдан фойдаланганлиги ҳақидаги манбалар жуда кўп. Шу жумладан, Беруний, Маҳмуд Кошғарий, Улуғбек каби олимларнинг асарларида ушбу цикл ҳақида маълумотлар келтирилган.

XI асрнинг буюк тилшунос олими Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғати-т-турк” асарининг биринчи жилдида туркий халқларнинг таквими ҳақида қисқача тўхтаб ўтади. Олим туркий халқлар азалдан мучал ҳисобидан фойдаланиб келаётганликларини ёзади. У мучал таркибига кирган ўн икки ҳайвон номини сичқондан бошлаб тўнғизгача санаб ўтади.

Маҳмуд Кошғарий ўз асарида мучал йилининг туркий накли ҳақидаги қуйидагича

ривоятни келтиради: “Турк ҳоқонларидан бири бундан бир неча йиллар аввалги уруш тарихини ўрганмоқчи бўлган, шунда у уруш бўлиб ўтган йилни аниқлашда янглишганлар. Бу масала юзасидан (ҳоқон) қавми билан кенгашади ва айтади: “Биз бу тарихни (аниқлашда) қанчалик янглишган бўлсак, биздан кейин ҳам шунчалик янглишадилар. Шундай бўлгач, биз энди ўн икки ой ва осмондаги ўн икки буржга асосланиб, ўн икки йилга от қўйишимиз керак, токи биздан кейин йил ҳисоби шу йилларнинг айланишига қараб олинсин ва бу нарса абадий бир ёдгорлик бўлиб қолсин”. Қавмлари айтганингиздек бўлсин, дейишибди.

Ҳоқон бир куни овга чиқибди ва одамларга шамсий ҳайвонларни Или дарёси томон қувишни буюрибди. Одамлар ов қилиб бориб, ҳайвонларни сув томон ҳайдашибди, шунда ўн икки ҳайвон сувдан ўтибди. Ўн икки йилни ана шу ўн икки ҳайвон номи билан аташибди. Энг олдин сичқон сувдан сузиб ўтибди. Шу сабабли дастлабки йил унинг номи билан сичқон йили деб, ундан кейин сувдан кечиб ўтган ҳайвонлар номи билан кейинги йиллар аталибди”³.

Абу Райҳон Беруний “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асарида турк таквими ҳақида сўз юритиб, “Турк жадвали” деган сарлавҳа остида ўн икки ҳайвон номи билан аталадиган ўн икки йиллик мучал ҳисобининг номларини ҳам келтиради: 1. Сичқон. 2. Уд (сигир). 3. Барс. 4. Товушқон (қуён). 5. Луй (балиқ) 6. Йилон (илон). 7. Юнт (от). 8. Қўй. 9. Пичин (маймун). 10. Товуқ. 11. Ит. 12. Тўнғиз⁴.

Беруний 1030 йилларда ёзган “Қонуни Масъудий” асарида яна шундай маълумот келтиради: “Хитой ва турклардан иборат Шарқ халқлари ўз йилларини тартибли равиш-

¹ Қаюмов А. Қадимият обидалари. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1972. – Б. 154.

² Бичурин Н.Я. (Иакинф). Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. I. – М.–Л.: Изд. АН СССР, 1950. – С. 351.

³ Маҳмуд Кошғарий. Девони луғати-т-турк. Т. I. – Т., 1960. – Б. 330–332.

⁴ Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. Т. I. Ўтмиш халқлардан қолган ёдгорликлар. – Т.: Фан, 1968. – Б. 104.

да ўн икки хайвон исми билан атаб, давр қилганлар. Лекин улардаги давр йилларга асосланиб қўйилганми ёки Қуёш ва Ойнинг ҳаракатларидан ҳосил бўлган микдорларнинг натижаси экани менга равшан бўлмади”¹.

XII–XV асрларга оид ёдгорликларда мучал ҳисоби ҳақидаги маълумотлар айниқса кўп. Мўғуллар босқини туфайли XIII асрда ушбу циклдан фойдаланиш янада кенгайди. Шарқий Туркистондан топилган XII–XIV асрларга оид юридик ҳужжатларда сана ушбу хайвонли цикл йиллари билан қўйилган. XV–XVI асрларда ҳам Шарафиддин Али Яздий, Мирхонд, Хондамир каби тарихчилар ҳам ўз асарларида 12 йиллик хайвонли циклдан фойдаланишган. Хусусан, Шарафиддин Али Яздий ўзининг “Зафарнома” асарида соҳибқрон Амир Темурнинг таваллуд куни хусусида шундай маълумот беради: “Шаъбон ойининг йигирми бешиди, торих етти юз ўттуз олтида, сичқон йиликим (8.04.1336), мўғулларнинг йили била мувофиқ турур, Каши дилкаш вилоятида, Такина Хотунким, шаръи мутахҳара йўсуни била ул амири динпарварнинг никоҳида эрди, андин ҳазрат соҳибқирон кун киби зоҳир бўлди”².

Кейинги даврларда мучал йил ҳисобини бошқа тақвимлар, жумладан, мусулмонларда ҳижрий йил ҳисоби суриб чиқара бошлади. Бироқ Мирзо Улуғбекнинг “Тўрт улус тарихи” ва Абулғозий Баҳодирхоннинг “Шажараи турк” асарларида ҳам мучал йил ҳисоби ҳижрий йил ҳисоби билан биргаликда қўлланилган³. Хусусан, Абулғозий Баҳодирхон ўзининг Хоразмга қайтиш санасини шундай баён қилади: “Тарих ҳижрий минг тақи эллик

иккида, йилон йилинда юртимиз ва элимизга келдим. Олти ойдин сўнг йилқи йилининг аввалинда Асфандиёрхон вафот топди”⁴.

Айрим олимлар мучал тақвими хитойликлар ихтироси эканлиги ҳақидаги фикрни исботлашга уринадилар. Туркшунос француз олими Л.Базен турклар ўн икки хайвонли йил ҳисобини VI асрда Хитойдан ўзлаштирилганлиги ва 700 йиллар охирига келиб одатий ва умумқабул қилинган тақвимга айланганлиги ҳақидаги фаразни илгари суради⁵. Ўз фикрини асослаш учун Л.Базен Суй сулоласининг (581–618) Суй-шу йилномасидан куйидаги маълумотни келтиради: “Кай хуан (шиори остидаги ҳукмронлик) нинг олтинчи йили, биринчи ой, гэн – у кунида туркларга тақвим тарқатилди”⁶. Юкоридаги шиор остида 581–600 йилларда император Вэн-ди ҳукмронлик қилган ва кўрсатилган сана 586 йилнинг 12 февралига мувофиқ келади.

Бироқ бошқа маълумотларга кўра, хитой тақвими жорий этилганига қадар ҳам туркларга ўн икки йиллик хайвонли цикли маълум бўлган. Жумладан, юкорида кўрсатиб ўтилган “Буғут ёдномаси”да тилга олинган Татпар ҳоконнинг тахтга ўтириш санаси айнан шу цикл ёрдамида ифодаланган. Бундан ташқари, Татпар ҳоконнинг ўғли Шаболу ҳокон ўзининг 584 йилда хитой императорига юборган мактубида “чэнь йилининг тўққизинчи ойи ўнинчи куни”⁷ санасини кўрсатади. Бу ерда чэнь белгиси турклар-

¹ Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар, Т. 5. Қонуни Маъсудий. – Т.: Фан, 1973. – Б. 93.

² Шарафуддин Али Йаздий. Зафарнома // Сўз боши, табдил, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифи ва нашрга тайёрловчилар: А. Аҳмад, Ҳ. Бобобеков: Масъул муҳаррир Б. Эшпўлатов. – Т.: Шарқ, 1997. – Б. 12.

³ Мирзо Улуғбек. Тўрт улус тарихи. – Т.: Чўлпон, 1994; Абулғозий Баҳодирхон. Шажарайи турк. Масъул муҳаррир ва сўзбоши муаллифи Б.А.Аҳмедов. – Т.: Чўлпон, 1990.

⁴ Абулғозий Баҳодирхон. Юкоридаги асар. – Б. 179.

⁵ Базен Л. Концепция возраста у древних тюркских народов (Пер. с фр. Д.Д. и Е.А. Васильевых) // Зарубежная тюркология. Вып. I. Древние тюркские языки и литературы. – М.: ГРВЛ, 1986. – С. 369.

⁶ Яковлев В.М. Двенадцатилетний животный цикл в Китае и у древних тюрков // Общество и государство в Китае: Т. XLIII, ч. 1 / Редколл.: А.И. Кобзев и др. – М.: Федеральное государственное бюджетное учреждение науки Институт востоковедения Российской академии наук (ИВ РАН), 2013. (Ученые записки ИВ РАН. Отдела Китая. Вып. 8 / Редколл.: А.И.Кобзев и др.). – С. 435–448.

⁷ Бичурин Н.Я. (Иакинф). Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. I. – М.–Л.: Изд. АН СССР, 1950. – С. 237.

нинг ўн икки йиллик ҳайвонли циклидаги бешинчи йилга тўғри келади.

Л. Базен ушбу календарнинг хитойликларга мансублигини исботлаш учун тақвим тимсолларидан бирининг Хитойнинг рамзи бўлган лу (аждар) эканлигини ва 700-йиллардан олдинги даврга оид турк битиктошларида ўн икки йиллик цикл санаси кўрсатилмаганлигини далил этиб кўрсатади. Бироқ Хитойнинг ўзида ҳам ушбу цикл ҳақидаги аниқ ёзма маълумот илк бор 622 йилда ясалган бронза кўзгуда учрайди. Унда циклдаги ҳайвонлар тасвирланган бўлиб, инь (yin) йилида ясалганлиги ҳақидаги ёзув мавжуд¹. Ҳайвонли циклнинг Хитойда кенг тақалиши ҳам VIII ва XIII асрларга тўғри келади.

Хитой олими Чжань Инь 1790 йилда чоп этилган асарида ҳайвонли циклнинг Хитойда тарқалиш жараёнини м.а. I асрга қадар кузатган ва цикл “шимолдаги цивилизациялар” дан келиб чиққан, деган хулосага келган. Чжао Иннинг ёзишича, Хан даврида Хитой чегараси бузилган, келгидинлар Угуанда ўрнашишган ва маҳаллий аҳоли билан аралашиб кетишган. Худди ўша даврда цикл Ўрта подшоликка кириб келган².

Л. Рашонининг кузатишларига кўра, ўн икки ҳайвонли тақвимнинг асосида туркий йил ҳисоби турса-да, кейинчалик турклар хитойлар томонидан илмий мукаммаллаштирилган тақвимни қайта қабул қилганлар. Қадимги Хитойда илм-фан, хусусан, астрономия юксак ривожланганлигини ҳисобга олсак, ўн икки ҳайвонли туркий тақвимни ўзлаштирган хитойликлар уни мукаммаллаштирган, деган хулосага келиш мумкин.

Туркий халқлар йил ҳисобида асосан 12 йиллик ҳайвон циклни қўллашса, Шарқий Осиё халқлари 12 йиллик билан бир қаторда 60 йиллик циклдан ҳам фойдаланишади.

Қадимги Хитойда асос солинган 60 йиллик цикл билан йилнинг номлари қайтариладиган бу тақвим аслида Қуёш – Ой календари бўлиб, у Ойнинг Ер атрофида айланиш даврига ва тропик йилга таянади. 60 йиллик циклга эга бўлган бу тақвим ҳозирги кунда Хитой, Япония, Корея, Вьетнам ва Мўғулистонда қўлланади.

Ўн икки йиллик ҳайвонли цикл дунёдаги энг мураккаб йил ҳисобларидан бири саналади. Қуёш, Ой, Қуёш ва Ойнинг даврий ҳаракатларига асосланган кўплаб бошқа тақвимлардан фарқли равишда мучал тақвими тўртта табиий кўрсаткичга: йил – Ернинг Қуёш атрофида бир йиллик айланиши, ой – Ойнинг Ер атрофида айланиши, цикл – Муштарий (Юпитер)нинг Қуёш атрофида 12 (11, 862 й) йиллик айланишига ҳамда Сатурннинг 30 йиллик циклига асосланган.

Ўн икки ҳайвонли турк тақвими учта табиий кўрсаткичга: ой – Ойнинг Ер атрофида айланиши, йил – Ернинг Қуёш атрофида айланиши, мучал эса Муштарий (Юпитер)нинг Қуёш атрофида айланишига асосланади. Қадимда турк астрономлари Ерга яқин йирик юлдузлардан бири Муштарий планетасининг (“планета” сўзи ҳам “яқин” маъносини англатади) Қуёш атрофида тўлиқ айланиши тахминан 12 йилга тўғри келаётганини аниқлашган. Сатурн эса 30 йилда Қуёш атрофини бир марта айланиб чиқишидан ҳам яхши хабардор бўлишган. Қадимги турклар мана шу табиий даврларга асосланиб ўзларининг тақвимини яратишди.

Ўн икки йиллик ҳайвонли циклнинг бошланиш вақти аниқ белгилаб қўйилган. Туркий халқларда йил боши сифатида кўпинча баҳорги тенгкунлик олинган. XIII–XIV асрларга оид Еттисув ёзувларида йил боши сифатида январ олинган.

Туркий халқлар циклдан асосан йил ҳисоби учун фойдаланганлар. Бу цикл ҳақида илк маълумотлардан бирини келтирган Маҳмуд Қошғарий ҳам ҳайвонли цикл фақатгина йилларни номлашда қўлланилганли-

¹ Захарова И.В. Двенадцатилетний животный цикл у народов Центральной Азии // Труды Института истории, археологии и этнографии Академии Наук Казахской ССР. Т. 8. – Алма-Ата, 1960. – С. 46.

² Яковлев В.М. Юқоридаги асар. – Б. 440.

сигир бир-бири билан сузишадиган хайвон. Товуқ йили кирса, озиқ-овқат кўпаяди, лекин одамларда ташвив ортади. Чунки товуқнинг овқати дон бўлиб, уни топиб ейиш учун нарсаларни титиб юради. Тимсоҳ йили кирса, ёғингарчилик ва ҳосил кўп бўлади, чунки у сувда яшайди. Тўнғиз йили кирса, совуқ қор ва фитна кўп бўлади”¹.

Йилларнинг турлича хусусиятидан келиб чиқиб, улар ҳалол ва ҳаром йилларга ажратилган. Шу ўринда туркий халқларда жуфт рақамлар ижобий, тоқ рақамлар салбий саналишини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз.

Кўпчилик тадқиқотчилар кўчманчи чорвадорларда бу каби мураккаб астрономик билимлар билан боғлиқ тақвимни яратиш учун етарли асос бўлмаган, деб ҳисоблашади. Бироқ айнан кенг дашт ва ўрмон-дашт худудларида мавсумий кўчиб юриш, айниқса кундузги жазирама туфайли тунги кўчишлар билан боғлиқ ҳаёт тарзи чорвадорларга осмон жисмларини кузатиш ва улар орқали мўлжал олишни ўрганишни зарурат қилиб қўйган.

Кўчманчиларнинг бу соҳадаги билимлари тунги хўжалик фаоллигидан ташқари жанг санъатида ҳам устунлик берган. Уларнинг тунда осмон жисмларини мўлжал олиб тезкор ҳаракатланиши уларнинг қўшни ўтроқ халқлар устидан ғалабаларининг муҳим омилларидан бири бўлган. Бу ҳолат турк битигтошларида ҳам ўз ифодасини топган.

Ўн икки йиллик циклга хайвонлар номи берилганлиги ҳам кўчманчи халқларда кучли бўлган тотемистик қарашлар билан боғлиқ бўлиши мумкин. Мучал йил ҳисобида учрайдиган хайвонларнинг катта қисми, жумладан от, хўкиз, қўй, илон кабилар қадимдан Марказий Осиё халқлари томонидан илоҳийлаштириб келинган. Турк-мўғул халқларининг умумий тотеми саналган бўрининг мучал хайвонлари орасига киритилмаганлиги ҳақидаги фикрларга келсак, бу ҳолат бўри номининг табу (таъқиқ) қилиниши

билан боғлиқ бўлиши мумкин. Хитой тақвимида “лун”, корейсларда “чин”, вьетнамларда “тхин”, японларда “татсу” деб аталаган бешинчи йил кўпчилик туркий қавмларда “улу” деб юритилади. Баъзи олимларнинг фикрича “улу” – туркийча “улу(ғ)” ва “улумок” сўзларининг маъновий уйғунлашуви натижаси бўлиши мумкин.

Шундай қилиб, мучал ҳисобини аввало туркий, хитой ва мўғул халқлари ўзлаштиришган. Салжук турклари (XI–XII асрлар) ва айниқса мўғуллар ҳукмронлиги даврида (XIII–XIV асрлар) мучал ҳисоби Эрон ва Афғонистонда ҳам тарқалган.

Бир пайтлар Марказий Осиё халқлари фойдаланган мучал ҳисоби бугунга келиб Ер юзининг барча минтақаларида катта қизиқиш уйғотмоқда. Аجدодлардан авлодларга умрбоқий мерос бўлиб қолган мучал йил ҳисоби усули хануз ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Шу боис, унинг кам ёритилган айрим томонларига оид баъзи фикр-мулоҳазаларни бу масала билан қизиқувчиларнинг диққатига ҳавола қилиш айтиш муддаодир.



¹ Маҳмуд Кошғарий. Юқоридаги асар. – Б. 331–332.